

OKZ. 67

ҚУРИЛИШ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ 20/10-сон

Тошкент шаҳри

20 октябрь 2021 йил

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига кўмаклашиш маркази давлат муассасаси, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталувчи, номидан Низом асосида ҳаракат қилаётган директори Ш.Ташпулатов бир томондан ва “SVYAZSOORUJENIYASTROY” маъсулити чекланган жамияти, кейинги ўринларда “Пудратчи” деб аталувчи, номидан Устав асосида ҳаракат қилаётган директори С. Умарходжаев, иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар”, алоҳида эса “Томон” деб аталувчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги 259-ғисон Фармойишига амал қилган ҳолда, куйидагилар тўғрисида ушбу пудрат шартномасини (кейинги ўринларда-Шартнома) куйидаги хақда туздилар:

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги тарифлар кўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўйган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул килиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб кўйилади;

вақтингчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўйган ҳар қандай турдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар;

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1.. Пудратчи мазкур шартномада белгиланган муддатда Буюртмачининг топшириги билан “Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси 2-й манзилида жойлашган бино ва иншоотларда Вазиятларни бошқариш ягона марказини яратиш учун реконструкция ва қурилиш” обьекти (кейинги ўринларда – Объект)да қурилиш ва реконструкция қилиш ишларини (кейинги ўринларда – ишлар) бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига ишларни бажариш учун зарур шароитлар яратиб бериш, ишларни кабул килиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

2.2. Ушбу шартнома бўйича бажараладиган ишларнинг турлари ва ҳажми Буюртмачи томонидан ишлаб чиқилган “Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси 2-й манзилида жойлашган бино ва иншоотларда “Вазиятларни бошқариш ягона марказини яратиш учун реконструкция ва қурилиш” бўйича лойиха-смета ҳужжатлари (кейинги ўринларда- Лойиха-смета ҳужжатлари)да акс эттирилган.

2.3. Ишлар қурилиш қоидалари, қурилиш-монтаж ишлари учун хавфсизлик қоидаларига ва Буюртмачининг талабларига мувофиқ бажарилиши керак.

2.4. Ушбу шартноманинг 2.1 ва 2.2-бандларига мувофиқ ишлар Пудратчининг материаллари, унинг кучи ва маблағлари хисобидан бажарилади.

2.5. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

III. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома бўйча ишларни бажариш охирги муддати 360 (уч юз олтмиш) календар кун.

3.2. Ишларни бажаришнинг оралиқ муддатлари ушбу Шартноманинг ажралмас қисми бўлган иловада акс эттирилган “Вазиятларни бошқариш ягона маркази ва Маълумотларни қайта ишлаш маркази биноларни куриш ва қайта таъмирлаш” объектида қурилиш ва реконструкция қилиши ишларини бажариш бўйича Календар режаси” (кейинги ўринларда – Календар режаси)да белигаланган.

3.2. Пудратчи ушбу шартнома бўйича ишларни бажаришни шартноманинг 4.5 бандида кўрсатилган олдиндан тўлов Пудратчининг хисоб рақамига тушган кунидан бошлаб 5 (беш) календар кунидан кечиктирилмай бошлайди.

3.4. Пудратчи ишни бажаришнинг бошланғич ва охирги, шунингдек Календар жадвалида белгиланган оралиқ муддатларини бузганлик учун жавобгар бўлади

IV. ШАРТНОМА БЎЙИЧАИШЛАР БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг тахминий нарҳи КҶС билан **87 467 869 301** (саксон етти миллиард тўрт юз олтмиш етти миллион саккиз юз олтмиш тўққиз минг уч юз бир) сўм.

4.2. Шартноманинг баҳоси Лойиха-смета хужжатлари ва Календар режасида кўрсатилган ишларининг нархларидан иборат.

4.3. Пудратчи Буюртмачини ушбу шартнома бўйича Лойиха-смета хужжатларида кўрсатилган ишларнинг баҳосини ошириш зарурлиги тўғрисида бундай холат аниқланган кунидан 5 (беш) иш кунида мобайнида огоҳлантиргаган тақдирда шартномада кўрсатилган нарҳи бўйича ҳақ олиш хуқуқини саклаб қолган ҳолда шартномани бажариши шарт.

Агар шартнома бўйича қўшимча ишларни бажарип зарур бўлиб қолса ва шу сабабли ишларнинг ушбу шартноманинг 4.1- бандида тахминий нарҳи баҳосини анча оширишга тўғри келса, Пудратчи бу ҳақда Буюртмачини қўшимча ишларини бажариш зарурлигини аниқланган кунидан 5 (беш) иш куни давомида огоҳлантириши шарт. Буюртмачи Лойиха-смета хужжатларида кўрсатилган ишларнинг нархини (сметани) оширишга рози бўлмаган тақдирда, Пудратчи шартномадан воз кечишга ҳақли. Бундай ҳолларда Пудратчи Буюртмачидан ишнинг бажарилган қисмининг баҳосини тўлашни талаб қилиши ҳақли.

4.4. Лойиха-смета хужжатларида кўрсатилган ишларнинг ҳажми ўзгарганда, шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган нарҳитомонлар ўртасидаги келишувига биноанушбу шартномага қўшимча битим тузиш орқали ўзgartирилади.

4.5. Ушбу шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган нарҳининг **30** (ўттиз) фоизи, яъни **26 240 360 790** (йигирма олти миллиард икки юз қирқ миллион уч юз олтмиш минг етти юз тўқсон) сўм Буюртмачи томонидан, ушбу Шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 (ўттиз) банк куни мобайнида амалга оширилади.

4.6. Буюртмачи ушбу шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган нарҳининг **15** (үн беш) фоизи, яъни **13 120 180 395** (үн уч миллиард бир юз йигирма миллион бир юз саксон минг уч юз тўқсон беш) сўм микдоридаги қўшимча тўловни ушбу шартноманинг 3.2-бандига мувофиқ Пудратчи томонидан ишларни бажаришни бошлаган кунидан эътиборан 30 (ўттиз) банк куни мобайнида Пудратчининг банк ҳисоб-варагига ўтказиб беради.

4.7. Бажарилган ишларининг нарҳи мутаносиб равища, ушбу шартноманинг 4.5, 4.6, 4.8 ва 4.9-бандларига мувофиқ ушлаб қолиниши билан, томонлар томонидан ишларни қабул қилиши-топшириш далолатномаларини имзоланган кунидан эътиборан 30 (ўттиз) банк куни мобайнида Буюртмачи томонидан Пудратчининг банк ҳисоб-варагига тўланади.

4.8. Бажарилган ишлар нархининг **10** (үн) фоизи Буюртмачи томонидан Пудратчи иштироқида амалга оширилганиназорат ўлчовининг тегишли далолатномаларига асосан 30 (ўттиз) банк куни мобайнида тўланади.

4.9. Бажарилган ишлар бўйича Назорат ўлчовининг далолатномаларида кўрсатилган сўммасининг **5** (беш) фоизи Давлат қабул комиссияси томонидан Объектни белгиланган тартибда эксплуатацияга қабул килинган кунидан бошлаб **12** (икки) ой ўтгандан сўнг 30 (ўттиз) банк куни мобайнида Буюртмачи томонидан тўланади.

V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ

5.1. Буюртмачи ушбу шартнома кучга киргандан сўнг 2 (икки) иш куни мобайнида қурилиш майдонида ушбу шартномага мувофиқ Пудратчи томонидан бажариладиган ишларнинг сифати, шунингдек Пудратчи фойдаланган материаллар ва жиҳозларнинг лойиха-смета хужжатларга мувофиқлиги устидан техник назоратини олиб борувчи ўз вакилини (кейинги ўринларда – масъул вакил) белгилайди ва масъул вакили тўғрисида Пудратчига маълумотларни беради.

5.2. Буюртмачининг масъул вакили ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш муддати давомида Пудратчи томонидан барча турдаги бажариладиган ишларга тўсиқсиз кириш хукуқига эга бўлади.

5.3. Пудратчи Буюртмачининг масъул вакилини Объектда керакли инвентар билан жиҳозланган хизмат хонаси билан таъминлади. Қурилиш майдонида Буюртмачининг масъул вакили ва Пудратчи мунтазаам равишда ишларни амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича йиғилишларни ўtkазадilar.

5.4. Пудратчи Объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура, қурилиш назорати ва бошқа назорат органлари билан келишиб олади ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчиликга риоя қилган ҳолда мувофиқлаширади.

5.5. Пудратчи қурилиш майдонида умумий тартибини таъминлади.

5.6. Пудратчи ушбу шартномага мувофиқ Объектда бажариладиган ишларни бошлагандан ва улар тутагунига қадар Ишларни ишлаб чиқариш журнали (кейинги ўринларда – журнал)ни юритади.

Мазкур бандида кўрсатилган журналида Объектда олиб бориладиган бутун иш жараёни, Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги муносабатларда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларни бажариш бошланиш ва тугатиш, ускуналар ва хизматлар келиб тушган санаси, материалларни етказиб бериш муддатларни ўтказиб юборилганилиги, қурилиш техникаси ишламай қолиши билан боғлиқ кечикишлар ва ишларни бажариш якуний муддатларга таъсир килинадиган бошқа омилилар тўғрисида маълумотлар).

Буюртмачи Пудратчи томонидан бажариладиган ишларни олиб бориши ва сифатидан ёхуд Пудратчи томонидан журналга киритиладиган маълумотлардан қониқмаса, у журналга ўз фикрни баён этади.

Пудратчи Буюртмачи томонидан журналда кўрсатилган асосли эътиrozлар бўйича камчиликларни тегишли ёзув киритилган санасидан 3 (уч) иш куни мобайнида бартараф этади.

5.7. Пудратчи бошлангич геодезия нукталари, чизиқлари ва баландликларга нисбатан Объектнинг белгиларини белгиланиши, шунингдек баландликларнинг тўгри йўлашиши, ўлчамлари ва текислаш ўқларининг текисланиш учун жавобгардир.

Агар ишларни бажариш жараёнида бажарилган текислаш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, у ҳолда Пудратчи Буюртмачи билан келишилган ҳолда ўз хисобидан тегишли тузатишларни амалга оширади.

5.8. Пудратчи геодезик текислаш ишлари вақтида ўрнатилган геодезия белгиларининг макетлари ва координатлари ва баландликларичизмаларини саклайди, ишларни бажариш вақтида ва якунларида уларни Буюртмачига далолатнома асосида топширади.

5.9. Қурилиш майдонида ишларни бажариш учун коммуникацияларига вақтинчалик уланиш ва янги қурилган коммуникациялар мавжуд бўлган коммуникацияларига уланиш жойларида Пудратчи томонидан Буюртмачининг рухсати билан амалга оширилади.

5.10. Буюртмачи Пудратчига ушбу Шартнома бўйича Ишларни бажариш учун зарур бўлган бошлангич маълумотларни Шартнома кучга кирган кунидан бошлаб 15 (ўн беш) иш куни давомида тақдим қиласди.

5.11. Пудратчи Объектда ишларни бажариш учун фойдаланилайтган материаллари, ускуналари ва бутгловчи қисмлар, иништоотлар ва тизимларни сотиб олишдан олдин уларнинг нархларини Буюртмачи билан келишиб олади ва уларнинг лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган сифат, техник шартларга, давлат стандартларига жавоб беришига кафолат беради ҳамда тегишли сертификатлар, техник паспортлар ёки уларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар мавжудлигини таъминлайди.

5.12. Пудратчи Буюртмачига ва Давархкурилишназорат инспекциясига топширишга тайёр бўлган якка иншоотлар ва яширин ишларини қабул қилиш тўғрисида 5 (беш) кун олдин ёзма равища хабар беради.

5.13. Агарда яширин ишлар Пудратчи томонидан Буюртмачининг тасдиқисиз бажарилган бўлса ёхуд Пудратчи Буюртмачини улар ҳакида хабар берилмаган ёки кечиктириб хабар берилган бўлса, у Буюртмачининг талабига биноан бундай яширин ишларини ўз маблағлари хисобидан очиш ва қайта тиклаш мажбур.

5.14. Пудратчи кейинги ишларни Буюртмачи ёзма руҳсатини олгандан ва бу ҳакида ахборотни ишлаб чиқариш журналига киритилгандан кейин бошлайди.

5.15. Пудратчи Объектда ишларни бажариш вақтида курилиш майдончасини ва унга туташ кўча чизигини, шу жумладан йўллар ва пиёдалар йўлакларни тозалайди ва белгиланган тартибда тозаликни саклайди, шунингдек курилиш чиқиндиларини Буюртмачинг масъул вакили томонидан кўрсатилган жойларга курилиш чиқиндиларини вақтинчалик саклашга олиб чиқади.

5.16. Агар ишларини бажариш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 1 (бир) иш кун муддат ичидан уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор килиши ва 1 (bir) иш кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги қарор қабул қилиши шарт.

5.17. Ушбу шартноманинг III бўлимда белгиланган муддатга Пудратчи томонидан бажарилган ишларни Буюртмачи (масъул мутахассислари) билан келишишга сарфланадиган вақт кирмайди.

5.18. Пудратчи Буюртмачига Давлат қабул комиссияси томонидан Объектни белгиланган тартибда эксплуатацияга қабул қилишда ҳар томонлама қуллаб кувватлашни ташкиллаштиради.

5.19. Давлат қабул комиссияси салбий хуносаси Пудратчининг ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш билан боғлик бўлса, Пудратчи бажариладиган ишлардаги нуқсон ва камчиликларни томонлар келишилган муддат давомида ўз хисобидан бартараф этади.

5.20. Ушбу шартнома бўйича ишлар томонлар томонидан ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномани имзоланган вақтидан бошлаб бажарилган хисобланади.

5.21. Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишларни топшириш - қабул қилиш оралиқ далолатномаларини топширган кунидан 10 (ўн) иш куни давомида кўриб чиқади, ва эътиrozлар бўлмаган тақдирда ишларни топшириш - қабул қилиш оралиқ далолатномаларини имзолайди ва бир нусхасини Пудратчига йўллайди.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ

6.1. Ушбу шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

ишларни Лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқ ҳажмда ва ушбу шартноманинг 3.1-бандидаги белгиланган муддатда ўз кучибилин бажариш ҳамда ишларни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

курилиш ва у билан боғлик бўлган ишларни ишларнинг ҳажми, мазмуни ва уларга кўйиладиган бошқа талабларни белгилайдиган лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш;

Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни ўтказилган дараҳатларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

курилиш таваккалчиларини сугурта қилиш;

курилиш майдони кўриқчанишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш;

курилиш ва у билан боғлик ишларни амалга ошираётган вақтда атроф мухитни муҳофаза қилиш ва курилиш ишларини хавфсиз олиб боришга доир қонунчиликнинг талабларига риоя этиш ва бундай талаблар бузилганлиги учун учинчи шахслар олдида жавобгар бўлиш;

куйидагиларни аниқлаган тақдирда дарҳол, яъни 1 (бир) иш куни давомида Буюртмачини огохлантириш ва ундан кўрсатмалар олгунга қадар ишни тўхтатиб туриш:

Буюртмачи ушбу шартноманинг 5.11-бандининг тартибида келишилган материал, ускуналар яроқсизлиги ёки сифатсизлигини;

Буюртмачининг ишларни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш унинг учун ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини;

Пудратчига боғлик бўлмаган, бажарилаётган ишлар натижаларининг яроқлилиги ёки пишиклигини хавф остига кўядиган ёхуд ишларни белгиланган муддатда ниҳоясига етказиш мумкин бўлмайдиган қилиб кўядиган бошқа ҳолатларни. Кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида Буюртмачини огохлантирмаган ёки огохлантиришга жавоб олиш учун шартноманинг 5.21-бандида кўрсатилган муддат ўтишини кутмасдан ёхуд Буюртмачи ишларни тўхтатиб туриш тўғрисида ўз вақтида кўрсатма берган бўлишига қарамасдан Пудратчи ишларни давом этираверса Буюртмачи унга ёки Пудратчи Буюртмачига тегишли талаблар кўйганида мазкур ҳолатларни важ қилиб келтиришга ҳақли эмас;

ушбу шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда Объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб бериш;

ушбу шартномани бажариш муносабати билан Буюртмачи берган материал, ускуна, қайта ишлашга (ишлов беришга) топширилган ашё ва Пудратчи ихтиёрига ўтган бошқа мол-мулк сакланмаганлиги учун Пудратчи жавобгар бўлиш;

6.2. Шартноманинг бажарилиши муносабати билан Буюртмачи Пудратчига белгиланган тегишли ҳақни ёки бошқа суммани тўлаш мажбуриятини бажармаган тақдирда, Буюртмачи томонидан тегишли сумма тўлангунга қадар Пудратчи ишнинг натижаларини, шунингдек Буюртмачига тегишли ускуналарни, қайта ишлаш (ишлов бериш) учун берилган ашёларни, фойдаланилмай қолган материал колдиги ва Пудратчининг ихтиёридаги бошқа мол-мулкни ушбу қонунчиликда белгиланган тартибида ушлаб колиш;

Буюртмачи Пудратчининг ушбу шартноманинг 5.11-бандининг тартибида келишилган материал, ускуналар яроқсизлиги ёки сифатсизлигини тўғрисида 5.11-бандида кўрсатилган муддатда ва асосли огохлантирганига қарамасдан, 5.21-бандида кўрсатилган муддатда яроқсиз ёки сифатсиз материални қайта келишиб олмаса, ишларни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини ўзгартирмаса ёхуд ишларнинг яроқлилиги ёки пишиклигини хавф остига кўядиган ҳолатларни бартараф этиш учун зарур бўлган бошқа чораларни кўрмаса, Пудратчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

Буюртмачи ишларни бажаришига ушбу шартномада назарда тутилган ҳолларда, ҳажмда ва тартибида ёрдам беришмажбуриятини бажармаган тақдирда, Пудратчи кўрилган зарарни, шу жумладан бекор туриб қолганлик оқибатидаги кўшимча чиқимларни қоплашни ёки ишни бажариш муддатини ўзгартириш ёхуд ушбу шартномада кўрсатилган иш баҳосини оширишини талаб қилиш;

Буюртмачининг ҳаракати ёки йўл кўйган хатоси туфайли ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш мумкин бўлмай қолган тақдирда, Пудратчи ишларнинг бажарилган

қисмини хисобга олган ҳолда шартномада кўрсатилган баҳони олиш хукуқини сақлаб қолиш;

Буюртмачи бажарилган ишларни қабул қилишдан бош тортганида, ишлар натижаси Буюртмачига топширилиши керак бўлган кундан бошлаб 1 (бир) ой ўтгач ва шундан кейин Буюртмачини икки марта огохлантирган ҳолда ишлар натижасини сотиб юборишига, тушган пулни эса, Пудратчига тегишли ҳамма тўловларни чегириб ташлаб, нотариал идоранинг депозитига Буюртмачининг номига киритиб кўйиш;

пудрат нарсасини сотиш ўрнига уни ушлаб туриш ёки келтирилган зарарни Буюртмачидан ундириб олиш;

амалдаги харажатлари ишлар баҳосини аниқлаш вақтида назарда тутилган харажатлардан кам бўлган ҳолларда, башарти Буюртмачи Пудратчининг тежами бажарилган ишлар сифатига таъсир этганлигини исботлай олмаса, ишлар учун ушбу шартномада кўрсатилган баҳо бўйича ҳақ олиш;

Буюртмачи Пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни ҳам бажарилган ишларнинг баҳоси билан ҳамма ишлар учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида талаб қилиш хукуқига эга.

6.3. Ушбу шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда Объектни унда бажарилаётган ишлар тутагунга кадар Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва ушпо шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан туталланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини 10 (үн) кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

ушбу шартноманинг IV бўлимда белгиланган муддатларда олдиндан тўловини ва кейинги тўловларни амалга ошириш;

ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш;

Пудратчининг ишларни бажаришига ушбу шартномада назарда тутилган ҳолларда, ҳажмда ва тартибда ёрдам бериш;

Пудратчи томонидан бажарилган ишларни (уларнинг натижасини) ушбу шартноманинг VIII бўлимда назарда тутилган муддатларда ва тартибда Пудратчи иштироқида кўриб чиқиш ва қабул қилиш;

ишлар натижасини ёмонлаштирадиган даражада шартномадан чекиниш ёки бошқа камчиликлар аниқланган тақдирда эса, бу тўғрида Пудратчига 1 (бир) иш куни давомида маълум қилиш;

Пудратчига ушбу шартнома бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни ҳам бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаш;

бажарилган ишлар қабул қилингандан сўнг уларда шартномадан чекинишлар ёки ишларни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланниши мумкин бўлмаган бошқа хил камчиликлар (яширин камчиликлар)ни, шу жумладан, Пудратчи қасдан яширган камчиликларни аниқлаган тақдирда, улар аниқланганидан сўнг 10 (үн) кунлик муддат ичida бу тўғрисида Пудратчига хабар қилишмажбуриятини олади.

6.4. Буюртмачи Пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда исталган вақтда ишларнинг боришини ва сифатини текшириш;

агар Пудратчи ушбу шартномани бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишларни суст бажариши натижасида уларни белгиланган муддатда тутатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, бунда Буюртмачи шартномага нисбатан ўз қизиқишини йўқотганлигини исбот қилиниши лозимлигини инобатга олган ҳолда, шартномадан воз кечиб, Пудратчидан етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

агар ишларни бажариш вақтида унинг тегишли даражада бажарилмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи Пудратчига камчиликларни йўқотиш учун оқилона муддат белгилашга ва бу талабни Пудратчи белгиланган муддатда бажармаган тақдирда

шартномадан воз кечишига ёхуд бу камчиликларни Пудратчи ҳисобидан тузатишни бошқа шахсга топширишга, шунингдек етказилган заарни қоплашни талаб қилиш;

ишларниг натижаси топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг шартномадан воз кечганилиги тўғрисидаги огоҳлантириш Пудратчи томнидан олингунга қадар бажарилган ишларга мутаносиб қисмини тўлашхукуқига эга.

6.5. Агар қурилишни ва у билан боғлиқ ишларни амалга оширишда қурилиш ушбу шартномани тегишли даражада бажаришга тўсиқлар борлиги маълум бўлса, томонларнинг ҳар бири бундай тўсиқларни бартараф этиш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўриши шарт. Ушбу мажбуриятни бажармаган томон тегишли тўсиқлар бартараф этилмаганлиги туфайли етказилган заарни ундириб олиш ҳукуқидан маҳрум бўлади.

VII. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

7.1. Пудратчи ишлар бошлагандан то Давлат қабул комиссияси томонидан Объектни белгиланган тартибда эксплуатацияга қабул қилингунга қадар, девор билан ўралган қурилиш майдончаси худудида материаллар, ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулкнинг тўғри муҳофазани таъминлайди.

7.2. Объектнинг бино ва иншоотларнинг, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулкнинг хавфсизлиги учун жавобгарлиги Объектни Давлат қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда эксплуатацияга қабул қилингунга қадар Пудратчининг зиммасида бўлади.

VIII. ИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Буюртмачи ушбу шартнома бўйича бажарилган ишларнинг топширишга тайёр эканлиги тўғрисида Пудратчидан хабар олингандан сўнг дарҳол, яъни 3 (уч) иш куни давомида қабул қилиб олишига киришиши шарт. Буюртмачи Лойиҳа-смета хужжатларида назарда тутилган ишларни Пудратчининг берилган ёзма хабарномани олинган кунидан 30 (үттиз) кун мобайнида қабул қиласи.

Буюртмачи бажарилган ишларни (унинг натижасини) Пудратчи иштирокида кўриб чиқиши ва қабул қилиши, иш натижасини ёмонлаштирадиган даражада шартномадан чекиниш ёки бошқа камчиликлар аниқланган тақдирда эса, бу тўғрида Пудратчига дарҳол 1 (бир) иш куни давомида маълум қилиши шарт.

8.2. Пудратчи Объектнинг қуриб битказилган иншоотларини фойдаланишга қабул қилиш бошланишдан 5 (беш) иш кун олдин, Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги ижро хужжатларининг икки нусхасини Буюртмачига топширади. Бунда Пудратчи томонидан Буюртмачига тақдим этилган ижро хужжатлар тўплами аслида бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқланиши шарт.

8.3. Пудратчи амалдаги тартиб ва қоидаларига мувофиқ иш ва давлат комиссияларининг экспулутацияга киритиш далолатномаларини тузади.

Буюртмачи ишни текширмасдан қабул қилган бўлса, уни қабул қилишнинг одий усулида аникланиши мумкин бўлган камчиликлар (очик кўриниб турган камчиликлар)ни далил қилиб келтириш ҳукуқидан маҳрум бўлади.

8.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида бажарилган ишларнинг камчиликлари ёки уларнинг сабаблари юзасидан низо келиб чиқсан тақдирда, истаган тарафнинг талаби бўйича экспертиза тайинланиши керак. Экспертиза ўтказиш харажатлари пудратчи зиммасида бўлади, экспертиза пудрат шартномаси бузилмаганлигини ёки пудратчининг ҳаракатлари билан аниқланган камчиликлар ўртасида сабабий боғланиш йўқлигини аниклаган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда экспертиза харажатларини экспертиза ўтказишни талаб қилган тараф, агар экспертиза тарафларнинг ўзаро келишуви билан тайинланган бўлса, иккала тараф тенг микдорда тўлайди.

8.5. Агар Буюртмачининг бажарилган ишларни қабул қилишдан бош тортиши ишларни топшириш кечикиб кетишига сабаб бўлган бўлса, тайёрланган (қайта ишланган) ашёнинг тасодифан нобуд бўлиш хавфи ашё топширилиши лозим бўлган пайтда Буюртмачига ўтган деб ҳисобланади.

8.6. Ишлар натижасининг Пудратчи томонидан топширилиши ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб олиниши иккала тараф имзолаган далолатнома билан расмийлаштирилади. Тарафлардан бири далолатномани имзолашдан бош тортса, бу тўғрида ушбу далолатномага ёзиб қўйилади ва далолатномани иккинчи тараф имзолайди.

8.7. Бажарилган ишларда улардан ушбу шартномада кўрсатилган мақсадда фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар борлиги аниқланган ва уларни Пудратчи, Буюртмачи ёки учинчи шахс бартараф этиши мумкин бўлмаган тақдирда, Буюртмачи ишлар натижасини қабул қилиб олишдан бош тортишга ҳақли.

8.8. Объектни фойдаланишга топшириш санаси ишчи комиссия томонидан далолатномалари тасдиқланган сана ва Объектни эксплуатацияга қабул қилиш Давлат қабул комиссиясининг далолатномаси тасдиқланган сана ҳисобланади.

IX. СИФАТ КАФОЛАТЛАРИ

9.1. Пудратчи қурилиш Объектининг лойиҳа-смета хужжатларида белгиланган кўрсаткичларга эришишини ва объектни кафолат муддати давомида шартномага мувофиқ ҳолда ишлатиш мумкинлигини кафолатлади.

9.2. Пудратчи ўзи берган материаллар ва ускуналарнинг сифати тегишли даражада бўлмаганлиги учун, шунингдек учинчи шахслар ҳукуқлари бўлган материаллар ва ускуналарни берганлиги учун жавобгар бўлади.

9.3. Кафолат муддати Объектни эксплуатацияга қабул қилиш Давлат қабул комиссиясининг далолатномаси тасдиқланган кундан бошлаб **12 (үн икки) ойни** ташкил этади.

9.4. Агар Пудратчи ушбу шартноманинг 9.3. бандида кўрсатилган кафолат муддати давомида аниқланган камчиликлар (нуксонлар) Объектнинг ёки унинг қисмларининг нормал эскириши, унинг нотўғри ишлатилиши ёхуд Буюртмачининг ўзи ёки у жалб қилган учинчи шахслар ишлаб чиқсан кўлланманинг нотўғрилиги, Объектни Буюртмачининг ўзи ёки у жалб қилган учинчи шахслар тегишли даражада таъмирламаганлиги оқибатида вужудга келганлигини исботлай олмаса, бу камчиликлар учун жавобгар бўлади.

9.5. Кафолат муддати Пудратчи жавобгар бўлган камчиликлар натижасида Объектдан фойдаланиш мумкин бўлмаган бутун вақтга тўхтатиб турилади.

9.6. Камчиликларни бартараф этиш Пудратчи томонидан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

9.7. Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишларда камчиликлар аниқланган тақдирда, у камчиликлар аниқлангандан кейин улар ҳақида Пудратчини 10 (үн) иш куни давомида хабардор қилиши керак.

Камчиликларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачи томонидан икки томонлама далолатнома билан белгиланади.

9.8. Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг 4.9 бандида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳукуқига эга.

9.9. Пудратчи:

ушбу шартномада ва лойиҳа-смета хужжатларда ҳамда мажбурий бўлган қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган талаблардан чекинишга йўл қўйилганлиги, шунингдек Объектининг лойиҳа-смета хужжатларида белгиланган кўрсаткичларига, жумладан Объектнинг ишлаб чиқариш қувватига эришилмаганлиги учун;

Объектнинг реконструкция қилинган бино ва иншоотларида (янгиланган, қайта қурилган, реставрация қилинганида ва ҳоказо) бинонинг, иншоотнинг ёки унинг бир қисмининг мустаҳкамлиги, барқарорлиги, ишончлилиги пасайгани ёки йўқолгани учун жавобгар бўлади.

9.10. Пудратчи буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета хужжатларидан Буюртмачининг жиҳдий манфаатларига таъсир қилмайдиган тарзда озгина четга чиқиш

ҳолларига йўл қўйғанлиги учун, башарти бу ҳол қурилишнинг сифатига таъсир этмаганини ислаб берадиган олса, жавобгар бўлмайди.

Х. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

10.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томониккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди.

10.2. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганини, ўз вақтида молиялаштирунганини ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизимида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

10.3. Пудратчи Объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича, жумладан далолатномада белгиланган муддатларда бажарилган ишлардаги камчиликлар ва нуксонларни бартараф этиш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Агар бажарилган ишлар сифати, стандартлар, Лойиха-смета ҳужжатлари, намуналарга (эталонларга), шунингдек ушбу шартномада белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, Буюртмачи ишларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳакини тўлашни рад этиб, Пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳаки тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар бажарганлик учун жарима Пудратчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

10.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганини учун мазкур муддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

10.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганини учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.7. Материалларнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи Пудратчининг ушбу шартноманинг VIII бўлимида белгиланган тартибда ишларни топшириш муддати келгунча материалларни берган тараф зиммасида, бу муддатдан кейин эса ишни топширишни кечикириб юборган тараф зиммасида бўлади.

10.8. Мажбуриятларни бажармаслик бартараф қилиб бўлмайдиган омиллар, хусусан, ёнгин, табиий оғат, уруш, ҳарбий ҳаракатлар, блокада ёки экспорт ёхуд импортни тақиқлаш, бюджет ва унга тенглаштирилган манбаилари хисобидан молиялаштираслик, умум карантин кабилар таъсири натижасида содир бўлган тақдирда, агар ушбу шароитлар ушбу шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар ўз мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод этиладилар. Айни пайтда ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажарини муддати ушбу шароитлар таъсир кўрсатган муддатга тенг равишда сурилади.

Форс-мажор шароитига тушиб қолган томон Форс-мажор шароитига бошланганлиги ҳакида иккинчи томонни ушбу шароитга тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни муддатида огоҳлантиради.

XI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

11.1. Ушбу шартнома ваколатли органларда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб кучга киради ва томонлар шартнома бўйича мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қиласди.

11.2. Ушбу шартнома томонларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин.

11.3. Ушбу шартнома томонлардан бирининг ташаббуси билан, агар иккинчи томон шартномани бўзган бўлса, бекор қилиниши мумкин. Ташаббус килувчи томон иккинчи Томонга тахмин қилинаётган бекор қилиниш санасигача 10 (үн) кун олдин Шартномани бекор қилиш тўғрисида ёзма хабар йўллади.

11.4. Ушбу шартноманинг 6.5 бандида кўрсатилган шароитлар 2 (икки) ойдан узок давом этган тақдирда, ҳар қайси томон шартномани бир томонлама тартибида бекор қилишга ҳақли бўлади.

11.5. Шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда, томонлар ўзаро хисоб-китоб қилиш мажбурияти юкланди.

XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

12.1. Ушбу шартномани бажариш билан боғлиқ томонлар ўргасида келиб чиқадиган барча низолар музокаралар орқали ҳал этилади.

12.2. Томонлар низоларни ҳал этишининг талабнома билдириш (судгача) мажбурий тартибини ўрнатадилар.

Хукуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган помон талабномани почта алоқаси фойдаланилган ҳолда (шу жумладан, экспресс-почтага) ушбу шартноманинг XV бўлимда кўрсатилган манзилга жўнатади ёки ёхуд тилҳат олиб топширади.

12.3. Ўзига талабнома билдирилган томон талабномани олган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичida унга жавоб қайтариши шарт.

12.4. Келишувга эришилмаган тақдирда, помонлар низони ҳал этиш учун Тошкент туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиш хукуқига эга.

XIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

13.1. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар, уларга бириктирилган шахслар, ходимлар ёки воситачилар ҳеч бир шахсга қандайдир ғайрихукукий устунлик ёки бошқа ноконуний мақсадларга эришиш ниятида ушбу шахсларнинг ҳаракати ёки қарорларига таъсир кўрсатиш учун қанчадир пул маблағи ёки қимматбаҳо нарсаларни бермайдилар, беришни таклиф этмайдилар ва тўловни бевосита ёки билвосита амалга оширмайдилар.

13.2. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар, уларга бириктирилган шахслар, ходимлар ёки воситачилар ушбу шартнома мақсадларига тадбиқ этиладиган қонунчилик томонидан пора бериш-олиш, тижорат мақсадида пора билан ўзига оғдириш сифатида квалификация қилинувчи ҳаракатларни ҳамда жиноий йўллар билан ортирилган даромадларни қонунийлаштиришга қарши қаратилган тегишли қонунчилик ва ҳалқаро актлар талабларини бузувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширмайди.

13.3. Ушбу шартнома томонларининг ҳар бири иккинчи томон ходимларини ҳар қандай йўл билан, шу жумладан, ходимни муайян тобеликка тушириб кўядиган ва ушбу ходим томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига маълум бир ҳаракатларни амалга оширишишга қаратилган пул маблағи ва совға тақдим этиш, улар учун бирор иш (хизмат)ни бегараз адо этиш ҳамда ушбу бандда номлари келтирилмаган бошқа воситалар билан рағбатлантиришдан сакланади.

Ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширадиган ҳаракатлари куйидагиларни назарда тутади:

бошқа контрагентларга нисбатан ўзини оқламайдиган устунлик бериш;

қандайдир кафолатларни бериш;

мавжуд жараёнларни тезлаштириш;

ходим томонидан ўз лавозими мажбуриятлари доирасида бажариладиган, аммо томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шаффоғлиги ва очиқлиги принципига зид келувчи бошқа ҳаракатлар.

13.4. Бирор томонда коррупцияга қарши шартлардан бирортасининг бузилиши содир бўлганлиги ёки бўлиши мумкинлиги тўғрисида шубҳа туғилган тақдирда, тегишли томон бошқа томонни ёзма равишда бундан хабардор қилиш мажбуриятини олади. Ёзма равишда хабардор қилингандан сўнг Тегишли томон ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришни то бузилиш содир бўлмаганлиги ёки бўлмаслигининг тасдиғи олинмагунча тўхтатиб туриш ҳукуқига эга бўлади. Мазкур тасдиқ хабардор қилиш хати жўнатилган санадан бошлаб 10 (үн) иш куни давомида жўнатилиши керак.

13.5. Хабардор қилиш хатида томон фактларга ҳавола қилиши ёки контрагент, унга бириктирган шахс, ходимлар ёки воситачилар тегишли қонунчиликда пора бериш ёки олиш, тижорат мақсадида пора билан ўзига оғдириш сифатида квалификация қилинувчи ҳаракатларни ҳамда жиной йўллар билан ортирилган даромадларни қонунийлаштиришга қарши қаратилган тегишли қонунчилик ва ҳалқаро актлар талабларини бузувчи ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилганлиги ёки этилиши мумкинлигини тасдиқловчи ёки таҳмин қилишга асос бўлувчи материалларни тақдим этиши шарт.

13.6. Ушбу шартнома томонлари коррупциянинг олдини олиш амалларини тан оладилар ва уларга риоя этилишини назорат қиласидилар. Айни пайта томонлар коррупцион фаолиятга жалб этилган бўлиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишчи алоқаларга киришиш ҳавфини минималлаштириш учун оқилона ҳаракат қиласидилар ҳамда коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирларига ўзаро ёрдам кўрсатадилар. Бунда томонларнинг коррупцион фаолиятга аралашиб қолишлари ҳавфини бартараф қилиш мақсадида томонлар текширувлар ўтказиш бўйича амалларнинг бажарилишини таъминлайдилар.

13.7. Антикоррупциявий текширувларни ўтказиш мақсадида Пудратчи ушбу шартнома тузилган лаҳзадан бошлаб 5 (беш) иш куни мобайнида ҳамда ушбу Шартнома амалда бўлган ҳар қандай вактда Буюртмачининг сўровномасига кўра Буюртмачига Пудратчининг мулкдорлари, шу жумладан, бенефициарлари (охиргиси билан бирга) занжири ҳақидаги маълумотни тақдим этиш мажбуриятини олади.

Етказиб берувчи бундай маълумотни тақдим этиш мажбуриятини бажармаган тақдирда, Буюртмачи шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортишга ҳақли бўлади. Бундай ҳолатда шартнома Пудратчи Буюртмачининг шартномани бажаришдан бош тортиши ҳақидаги ёзма хабарни олган санадан ёки ёзма хабарда кўрсатилган бошқа санадан бекор қилингандан ҳисобланади.

Ушбу бандда кўрсатилган шартлар ушбу шартноманинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

13.8. Томонлар ўзларнинг эҳтимолий гайрихуқукий ҳаракатлари ва ушбу шартноманинг коррупцияга қарши шартларининг бузилиши нохуш оқибатларга -контрагентнинг ишончлилик рейтингининг тушиб кетишидан тортиб то конрагент билан ҳамкорликнинг сезиларли даражада чекланиши ва охир-оқибат ушбу шартноманинг бекор қилинишигача – олиб келиши мумкинлигини тан оладилар.

13.9. Томонлар ушбу шартноманинг бажарилиши доирасида тақдим этилган фактлар юзасидан ўтказилган мухокамаларнинг ошкор этилмаслигини ва амалий қийнчиликларни бартараф қилиш ва низоли вазиятлар келиб чиқишининг олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирларни кўллаш кафолатини берадилар.

13.10. Томонлар ушбу шартноманинг коррупцияга қарши шартларининг ижроси масалалари бўйича тўлиқ конфиденциалликни таъминлашга ва умуман мурожаат қилувчи томонлар учун ҳамда мурожаат қилувчи Томоннинг бузилиш факти тўғрисида хабар берган муайян ходимлари учун салбий оқибатларнинг келиб чиқмаслигига кафолат берадилар.

XIV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

14.1. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатларда Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларга амал қиласидилар.

- 14.2. Ушбу Шартнома кучга кирган пайтдан бошлаб Шартнома юзасидан олиб борилган аввалги ёзишмалар ва музокаралар ўз кучини йўкотади.
- 14.3. Томонлардан хеч бири иккинчи Томоннинг ёзма розилигисиз ушбу Шартнома доирасидаги ўз хукуклари ёки мажбуриятларини бирор учинчи шахсга ўтказа олмайди.
- 14.4. Томонларнинг номланиши, тўлов ёки бошқа реквизитлари ўзгарган тақдирда, иккинчи Томонни бу хакда зудлик билан хабардор килиниши лозим.
- 14.5. Ушбу Шартнома тенг юридик кучга эга бўлган Томонларнинг имзолари ва муҳрлари билан тасдиқланган ўзбек тилида икки нусхада тузиљди.

XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮОРТМАЧИ

**“Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлигининг
“Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига
кўмаклашиб маркази” давлат
муассасаси**

Манзил: 100115, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Қирқ киз кўчаси, 10-А
Тел.: +99871 207-2097, +99871 207-1097
Х/р: 20210 000 400 263 899 003
АК «Алоқабанк» Амалиёт бошкармаси
Тошкент шаҳар
МФО: 00401
СТИР: 302 740 502
ИФУТ: 84112
ҚҚС рўйхат коди: 326 060 008 980
Эл.почта: info@psec.uz



Ш. Ташпулатов


ПУДРАТЧИ

**“SVYAZSOORUJENIYA STROY”
масъулияти чекланган жамият**

Тошкент ш., А. Темур кўчаси, Чимкент трант, 4а
Тел.: (+998 71) 255-36-33
Х/р: 2020 8000 1049 4565 9001
АК «Алоқабанк» Амалиёт бошкармаси
Тошкент шаҳар
МФО: 00401
СТИР: 302 149 254
ИФУТ: 41201
ҚҚС рўйхат коди: 326 030 008 725
Эл.почта: ooosvsoorstr@mail.ru



С.А. мароджаваев





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIY TARAQQIYOT
VA KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VAZIRLIGI HUZURIDAGI
“LOYIHALAR VA IMPORT KONTRAKTLARINI KOMPLEKS EKSPERTIZA QILISH MARKAZI”
DAVLAT UNITAR KORXONASI

2022-yil 01 yanvar № 11/01-06/01-14 100084, Toshkent, Amir Temur shoh ko'chasi, 107-B

O'zbekiston Respublikasi Axborot
texnologiyalari va kommunikatsiyalarini
rivojlantirish vazirligining
“Xavfsiz shahar” jamoat tartibiga
ko'maklashish markazi DM

O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish vazirligi huzuridagi “Loyihalar va import kontraktlarini kompleks ekspertiza qilish markazi” davlat unitar korxonasi Sizning 2022-yil 6-yanvardagi 01-05/6-sonli arizangizga asosan, “O'zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligining “Xavfsiz shahar” jamoat tartibiga ko'maklashish markazi davlat muassasasi va “Svyazsoorjeniyastroy” MCHJ o'rtaida “Toshkent shahar, Chilonzor tumani, Chilonzor ko'chasi 2-uy manzilida joylashgan bino va inshootlarda Vaziyatlarni boshqarish yagona markazini yaratish uchun rekonstruksiya va qurilish” obyekti bo'yicha 2021-yil 20-oktyabrdan imzolangan, qiymati QQS bilan 87 467 869 301 so'm bo'lgan 20-10-sonli pudrat shartnomasining ekspertizasi natijalariga ko'ra e'tirozlar mavjud emasligini ma'lum qiladi.

Direktor

M. Allabergenov